O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 29 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 68 (7367)

Da'vat

Кўнгил қувончи унинг кучлилигидан далолат беради.

Ральф ЭМЕРСОН

Ibrat

Мустақиллик байрами арафасида Жондор туманида янги коллеж биноси қурилиши тугалланди. Коллеж 750 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳайдовчилар, компьютер операторлари, тикувчи ва тўқувчилар тайёрланади.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда "Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини бунёд этишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонлари чиқди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган "Шарқ тароналари" учинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонларига дил изҳорлари, эзгу ниятлар битилган табрик мактуби йўллади.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами муносабати билан Юртбошимиз Ислом Каримов номига Москва Давлат университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги В.Садовничийдан, Кэмбриж университети проректори, Нью-Ҳолл коллежи президенти Анна Лонсдейлдан, Мериленд университети президенти К.Моутдан самимий тилаклар битилган табрик мактублари келди.

• Шимолий Корея ҳукуматининг халқаро инсонпарварлик ташкилотлари вакилларининг оч аҳолига ёрдам беришлари учун мамлакатда бемалол ҳаракат қилишларига розилик билдиришига мазкур инсонпарварлик ёрдамларининг тўғридан-тўғри ҳарбий қўшинларга кетиб қолаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар сабаб бўлган.

Milliy dastur — amalda

ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ТАЪЛИМ ТУРИ

Жуманазар ҲУСАНОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллик байрами нишонланаётган тарихий даврда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичи вазифалари бажарилишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" юқори даражадаги умумий касбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга, турли вазифаларни ечиш қобилиятига эга бўлган, жаҳон андозалари талабларига мос келадиган баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги туб ўзгаришлар бугунги кунда кичик мутахассисларга ҳам масъулиятли талаблар қўймоқда. Биринчи ўринда, кичик турдаги ишлаб чиқариш жараёнига мутахассиснинг муваффақиятли мослашиши, ушбу шароитда яшаши ва ишлаши учун қулай имкониятлар яратишга унинг касбий ва шахсий сифатлари юқори бўлишига ниҳоятда эътибор кучайтирилмоқда. Ушбу сифатлар ичида — мослашув тафаккурини, экологик, ҳуқуқий, ахборот, коммуникатив ва тадбиркорлик маданияти, ўз фаолиятини онгли равишда таҳлил қилиш қобилияти, нотаниш шароитларда мустақил ҳаракат қилиши, ижодий фаоллиги, бажараётган ишига масъулиятли ёндошиш жараёнларини ажратиш мумкин. Кичик мутахассисда бундай сифатларни шакллантириш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларидаги ўқитиш фаолиятининг жамият кутаётган натижаларга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳаётидаги чуқур ислоҳотлар, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тезкор кириши билан бирга содир бўлмоқда. Бу ҳол, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларини ҳам халқаро таълим тизимига ва халқаро таълим хизмати бозорига тезроқ кириши зарурлигини белгилайди.

Бунинг учун, охирги уч йил мобайнида республикамизда ЎМКҲТ тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий, илмий-услубий, кадрлар билан таъминлаш ҳамда молиявий-моддий шароитларни яратишга қаратилган катта ҳажмдаги ишлар бажарилган. 1998 йилдан бошлаб ЎМКҲТ давлат стандартлари ишлаб чиқила бошланди. Ушбу стандартларнинг мазмуни ва тузилиши жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва шахс талабларининг чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқилмоқда. Стандартларни ишлаб чиқишда инсоният ва жамиятнинг ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда, тарихий маънавий-маърифий меросларимиздан кенг кўламда фойдаланиш кўзда тутилган.

Ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган тармоқ стандартларининг лойиҳалари, тажрибавий ўқув режа ва дастурларининг тажриба-синовдан ўтказиш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш мақсадида иш берувчилар, ўқув муассасалари, ЎМКҲТ ривожлантириш институти олимлари ва хорижий экспертлар иштирокида илмий-амалий семинарлар ташкил этилиб, уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида ушбу меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш устида ишлар давом эттирилмоқда. Бунинг асосида ҳозирги кунда халқаро экспертлар томонидан тан олинган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат стандартлари модели ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мазкур давлат таълим стандартлари, биринчидан, Ўзбекистон Республикасида ва ривожланган мамлакатлардаги касб-ҳунар таълимининг эквивалентлигини ва халқаро меҳнат бозорида мамлакатимизнинг фаол қатнашишини таъминлаш, иккинчидан, таълим хизматлари сифатига бўлган талабларни меъёрлаштириш ҳисобига кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ўқув муассасалари фаолияти самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солиш имкониятини беради.

Жаҳон андозаларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласининг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барқарор ривожланишини таъминловчи педагог ва муҳандис-педагогларни етказиб бериш тизимнинг биринчи даражали вазифаси сифатида белгиланган.

Ҳозирги вақтда, ЎМКҲТ тизимида 12 мингдан зиёд педагог ва муҳандис-педагог кадрлар, жумладан 61 нафар фан доктори, 571 нафар фан номзоди, 23 нафар хорижий мамлакатларнинг ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқда, 90,4 фоиз ўқитувчилар олий ва улардан 16 фоизи олий педагогик маълумотга эга.

Ўқув жараёнини жаҳон стандартларига мос равишда илғор педагогик ва замонавий таълим технологиялари асосида ташкил қилиш ўқув муассасаларининг педагог ва муҳандис-педагогларидан ҳам юқори малакани талаб қилади. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ЎМКҲТ ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда.

Айни пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлашнинг истиқболли режалари асосида умумий эҳтиёж аниқланди. Уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Бу эҳтиёжнинг 30 фоизи олий ўқув юртларида тайёрланган кадрлар ҳисобидан қопланса, 70 фоизини умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари ва техникумлардан бўшаб қолаётган ўқитувчилар ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш орқали уларни ЎМКҲТ ўқув муассасаларига ишга жалб қилиш йўли билан қопланади.

Замонавий электрон ҳисоблаш техникалари билан жиҳозланган компьютер синфларининг мавжудлиги ушбу соҳанинг интернет тизимига боғланиши ва бу борада қайта тайёрланган ўқитувчилар ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янги босқичга кўтарди. Ҳозирги вақтда масофадан туриб ўқитиш усулини жорий қилиш устида ишлар олиб борилмоқда. Зарур дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр қилиш учун 2001 йилда 362 млн. 168 минг сўм ажратилган. Эндиги галда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази олдида турган долзарб вазифалардан бири яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар сифатини таъминлаш ҳамда ўқув муассасаларига етказишдир.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, таянч олий ўқув юртлари ҳисобланган Тошкент Давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳамда бошқа турли олий ўқув муассасаларининг касбий – педагогик бўлимларида бакалавриатнинг 89 йўналиши бўйича ЎМКҲТ тизими учун кадрлар тайёрланмоқда.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда Марказда зарур дарсликлар ахборот банки ишлаб чиқилди. Унга кўра, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича 2036 номдаги дарсликлар яратилиши керак. Бугунги кунда 230 нафар муаллифлар билан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шунингдек, жорий йилда хорижий мамлакатларда устувор йўналишлар бўйича нашр этилган 183 та дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар танлаб олинди, улардан 44 тасини таржима қилиш учун муаллиф-таржимонлар билан шартномалар тузилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга қабул қилишни қайта тайёргарликдан ўтган педагогларни аттестация қилиш якунлари бўйича амалга ошириш механизми жорий қилинди. Бу касб-ҳунар коллежларидаги педагог лавозимига ишга келаётган номзодларнинг сифат таркибини яхшилашни таъминлайди.

ЎМКҲТ ривожлантириш институтининг малака ошириш факультетида, шунингдек таянч олий ўқув юртлари ва республикамизнинг турли олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган 39 та малака ошириш муассасаларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган 20 мингдан зиёд педагог ва муҳандис-педагог кадрлар ўз малакаларини оширдилар.

Муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни назарий машғулотлар билан бир қаторда, бевосита замонавий технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, "Сименс" фирмаси, "Юлдуз" ҳиссадорлик жамияти, Тошкент тўқимачилик комбинати, Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа корхоналарда амалиёт усулида ҳам олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ЎМКҲТ ўқув муассасалари ўқитувчиларининг замонавий жиҳозланган ҳамда ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари асосида ташкил қилинган йирик кўшма корхоналарда, масалан, "ЎзДЭУавто" кўшма корхонасида, "Самкочавто", "Каштекс", "Конвин", "Кибо", "Ўзсаламандр", "ЎзКейсМаш", "Кабултекс", "Ўзсамсунгэлектроникс" кабиларда амалий машғулотларни ўтказиш орқали уларда замонавий техника ва технологиялар билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга ҳаракат қилинмоқда.

ЎМКҲТ ҳудудий бошқармалари жойлардаги замон талаблари даражасидаги техника ва технология асосида ишлаб чиқаришни ташкиллаштирган кўшма корхоналар, бирлашмалар, ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар билан мос йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалий машғулотларини айнан технологик иш бажариладиган цехларда ўтказиш бўйича шартнома тузишлари учун тайёргарлик кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ БАҲОЛАНДИ 2-бет

ТАЛАБАГА ТАЪЛИМ КРЕДИТИ 2-бет

«MA'RIFAT» МАСЛАҲАТХОНАСИ 3-бет

МУҚАДДАС БУРЧ 4-бет

Ўқитувчи ён дафтарига

ХОТИРА БУЗИЛИШИГА ҚАРШИ

Юртимизда фаолият кўрсатаётган "Умид" ногиронларни тиббий қайта тиклаш марказининг невропатологи Дилбар Курбонова хотира бузилишларини даволашнинг ўзи яратган усулига патент олди. Ушбу усул даволаш муддатини 10 кунга қисқартиради ва бунда натижага эришиш учун биргина церебролизин дориси кифоя қилади.

ЯНА БИР ИХТИРО

Тошкентлик ихтирочи Владимир Матвеев Давлат патент идорасидан кўр одамларнинг кўришига ёрдам берадиган аппарати учун патент олди. Ихтирочи тавсия этаётган мослама кишидаги кўз ва кўрув нервларисиз оптик сигналларни юбориш имконини беради, бундай сигналлар товуш сигналларига айлантирилади ва бевосита киши миясида идрок этилади. Мазкур асбоб мия айрим тузилмаларининг бошқа қисмлари вазифаларини такрорлаш қобилиятига асосланган.

ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Бугунги кунда Англияда ўрта мактаблар давлат тасарруфида эмас. Бундай хусусий мактаблар ҳозир 3000 дан зиёдни ташкил этади. Уларда бир йиллик ўқиш нархи ўртача 20 минг долларга тўғри келади. Сўнгги 2-3 йил ичида англиялик болаларнинг иқтисод, молия, адлия, дизайн, чет тиллари ва тиббиёт йўналишлари бўйича ихтисослашган мактабларга бўлган қизиқишлари кескин ортганлиги куза-

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Америка матбуоти тарқатган хабарда таъкидланишича, АҚШда ҳукумат томонидан яқин беш йил ичида сунъий йўлдошларнинг янги авлодини яратиш учун 25 миллиард доллар ажратилиши режалаштирилмоқда. Янги сунъий йўлдошларнинг ҳозиргиларга қараганда 20 марта "ақли" зиёд бўлиши кутилмоқда.

Tajriba amalda

ИЖАРА ТИЗИМИ ҚЎРҒОНТЕПАДА

Ёзги таътилнинг август ойи бошлариданоқ ота-оналар ўз фарзандлари учун мактаб кийим-кечаклари, китоб ва бошқа ўқув қуроллари сотиб олиш ҳаракатига тушиб қоладилар. Бу ҳаракатнинг боиси ҳаммага аён. Зеро, ҳар бир ота-она имкон қадар ўз фарзандини мактабга тўла-тўкис ҳолда юборгиси келади. Бироқ бу имкониятга ҳамма ҳам бирдек эга эмас. Шу боис Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё ривожланиш банки лойиҳаси доирасида Британия кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ишлаб чиқилди.

Ижара тизими бу йил республикамизнинг барча вилоятларидаги биттадан, яъни 14 та туманида синовдан ўтказиш кўзда тутилган. Биз ушбу тажриба синови жорий этилган Қўрғонтепа туманида истиқомат қилувчи ота-оналар, ўқувчиларнинг фикрлари билан қизиқиб, яқиндан суҳбатда бўлдик. Суҳбатлар мобайнида шу нарса сезилдики, барча ота-оналар ҳам, ўқувчию ўқитувчилар ҳам ижара тизимидан ғоят хурсандлар.

Туман халқ таълими бўлимининг мудири Исомиддин Зайнобиддинов эса ўз фикрини қуйидагича билдирди:

— Осиё ривожланиш банки томонидан айнан бизнинг туманимиз танлаб олинганлиги бежиз эмас. Биринчидан, туман республиканинг чекка ҳудудларидан бири бўлса, иккинчидан, деярли барча мактаб ўқувчиларимиз қишлоқларда истиқомат қилади. Банкнинг мазкур дастурида эса асосан чекка қишлоқ аҳолиси ва ёшларини ижтимоий ҳимоя қилиш мўлжаллангандир.

Туманимизга янги дарсликлар 22-23 августдан келтирила бошлади. Ҳозирда "Пахтабанк"нинг туман бўлимида ҳар бир мактаб ўз ҳисоб рақамини очган бўлиб, ота-оналар ва ҳомийлардан дарсликлар умумий қийматининг ижара тўлови учун мўлжалланган қисмигина олинмоқда, холос. Тўловлар эса тўғридан-тўғри янги очилган ҳисоб рақамига ўтказиляпти.

Шу кунларда лойиҳа бўйича биз ҳам кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар, мактаб кутубхоначилари ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари ўз мажбуриятларини яхши англаб олдилар. Биз дарсликларни қабул қилиб олиш, ижарага бериш, ундан тўғри фойдаланиш ва асраб-авайлашга тайёрмиз.

Дарҳақиқат, тумандаги барча маориф ходимлари бу борадаги хизматларни бажонудил бажаришга шайлар. Ота-оналар ва ўқувчилар эса ушбу тадбирни ташкил этган ҳамма мутасаддиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Муножат РАҲИМЖОН қизи

Дўстлик фестивали ғолиблари

25 август куни гўзал Самарқанднинг Регистон майдони байрамона тус олди. "Шарқ тароналари" учинчи Халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши маросимига 30 мамлакатдан ва республикамизнинг вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар, мезбонлар кутаринки кайфият ва ҳаяжон билан очилиш маросимининг театрлаштирилган саҳна кўринишларини томоша қилдилар.

Регистон майдонидаги амфитеатр саҳна композициясининг асосий қисмида Шарқ бозори кўриниши, тўкин-сочин расталар, ҳақиқий тандирда ёпилаётган Самарқанд нонлари жой олган бўлиб, узбекона удум ва меҳмоннавозлик намойиш этилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси бош вазир ўринбосари, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитаси раиси Ҳ.Кароматов Президент И.Каримовнинг фестиваль қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг ЮНЕСКО бош қароргоҳи вакили Айкава хоним сузга чиқиб, Самарқандда учинчи маротаба ўтказилаётган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиб, турли миллат вакилларини жипслаштиришда муҳим ўрин эгаллаётганлиги ЮНЕСКО ғояларига мутаносиб эканлигини эътироф этди.

Фестивалнинг ҳайъат раиси Хан Мюн Мининг табригидан сўнг фестиваль байроғи кўтарилди. Тинчлик ва озодлик рамзи бўлган кабутарлар Регистон осмони устида парвоз қилди. Даврага фестивалга ташриф буюрган давлатлар вакиллари ўз байроқлари билан кириб келдилар.

Хуллас, бир ярим соат давомида барча томошабинлар ўзбек ва қардош халқлар мусиқаларининг сержило оҳангларидан, жозибали рақсларидан баҳраманд бўлдилар.

Якшанба куни фестиваль дастурига биноан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси уюштирилди.

Фестивалнинг иккинчи кунини Миср, Россия, Юнонистон, Индонезия, Арманистон ва Қозоғистондан келган санъаткорлар бошлаб бердилар. Улар ўз халқининг меросларини бўлган достон, лапар ва миллий қўшиқларини ижро этдилар.

Фестиваль иштирокчилари "Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун" танловида иштирок этмоқдалар.

"Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали меҳмонлари 31 августга қадар Самарқанднинг турли жойларида бўлишиб, ўз санъатларидан кишиларни баҳраманд этиш билан биргаликда тарихий ёдгорликларни томоша қилишади ва турли учрашувларда иштирок этадилар.

Н.ШЕРБОЕВА,
махсус мухбиримиз

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА МУРУВВАТ

Шу кунларда республикамизнинг барча жойларида Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами шукуҳи кезиб юрибди.

Асрга татигулик 10 йиллигимизни ҳамма ўзгача кутиб олмоқда. Бу байрамни Юнусобод туманидаги 21-меҳрибонлик уйи болалари Президент совғасини қабул қилиб олиш билан нишонлашди.

Бу йилги анъанавий совғанинг миқдори 5 млн. сўмдан ортиқроқ кийим-кечаклар эканлиги қайд этилди.

Болажонларнинг меҳрга ташна қалбларига бу совғалар қанчалик таъсир этгани юзларидан сезилиб турди. Совғаларни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Равшан Пўлатов топширди.

Болаларга бундай мурувватнинг кўрсатилиши уларнинг умид юлдузларини янада порлатди. Чунки давлатимиз уларга бефарқ эмаслигини англаб етишди.

Шерзод АҲМАТОВ

Xushxabar

ЯПОНИЯ САРМОЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНГА

Японияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга дунё бозорида талаб катта. Бу ернинг сифатли, бежирим, қулай техника воситаларидан, саноат маҳсулотларидан мамлакатимизда ҳам фойдаланилмоқда.

Олис кунчиқар мамлакатнинг катта миқдордаги сармоясини қўлга киритган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти куни кеча байрамона тусда эди. 440 миллион иенлик беғараз грантнинг биринчи босқич тақдимотида Япония ҳукуматининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним ҳозир бўлди.

Институт ректори Ҳалима Алимова тақдимот маросимини очар экан, жумладан шундай деди:

—Юртимиз мустақилликка эришгандан бери аксарият хорижий давлатлар қатори Япония ҳам биз билан ҳар томонлама алоқа ўрнатиб келмоқда. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, йигирилган ипак ипларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Силк Роад" кўшма корхонасини ташкил этиш, вилоятлардаги 3 та аэропорт қурилиши, темир йўл транспортини такомиллаштириш, Фарғона тўқимачилик комбинатини қайтадан жиҳозлаш ва шу каби масканларнинг бунёд этилишига 440 млн.дан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги сармоялар ажратилди.

Маросимда сўз олган элчи Накаяма хоним Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари сифатли, харидоргир бўлишини тилаб, ушбу лойиҳани амалга оширган кишиларга миннатдорчилик билдирди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов шуни таъкидладики, Япония ҳукуматининг Ўзбекистонга ажратган сармоялари орасида бу энг йириги ва салмоқлисидир. Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаб бераётган мазкур институтга катта сармоянинг келтирилиши, шубҳасиз, юрт истиқболини назарда тутади.

Япония сармоясининг институтга олиб келинишига аслида, 1993 йилда асос солинган эди. Японияда очилган тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этган институт ректори Ҳалима Алимованинг кўп йиллик елиб-югуришлари самараси ўлароқ, бу даргоҳга 3 та энг замонавий компьютер синфлари ва аудио-видео техникалари келтирилди.

Яп-янги ва замонавий техника воситаларидан фойдаланган ўзбек талабалари, шубҳасиз, етук кадр бўлиб чиқадилар. Бу технологияларни ишлатиш тамойилларини йўлга қўйиш хусусида ҳам японялик мутахассислар билан келишилган.

Грант лойиҳасининг амалга ошиш босқичи бу билан тугаб қолгани йўқ. 2001-2002 ўқув йили давомида институтга йигирув, тўқув, трикотаж, тикув замонавий машиналари, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари сифатини назорат этувчи сертификация лабораториялари ва бошқа жиҳозлар келтирилади.

Маросим муносабати билан институтга ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги илмий ишланмаларни, ўқув лабораторияларини, дастгоҳларнинг намуна нусхаларини, шунингдек, институт музейидаги ранг-баранг экспонатларни ҳам кўришди. Институтнинг талаба-модельерлари ижод маҳсули намойишида ипак, пахта ва бошқа табиий матолардан тикилган либослар кўрсатилди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари мазкур тизимни «намунали таълим тизимига айлантириш» шиори остида тинмай меҳнат қилмоқда.

Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик йўналишидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, бу соҳадаги ишларни янгидан-янги шакл ва услубда ривожлантиришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ma'rifat

Hay'at majlisida

ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида "Таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик дастурлари ва уларнинг истиқболи тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида халқ таълими тизимини ислоҳ қилишда хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги ишлар йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ ташкилотлари, Британия Кенгаши ва "Меҳр лойиҳаси" (Буюк Британия), АҚШнинг Тинчлик Корпуси ва АКСЕЛС ташкилотлари, Очиқ Жамияти Институти (СОРОС), Кореянинг Ўзбекистондаги таълим Маркази, АҚШ, Франция, Исроил, Германия, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Греция, Польша, Корея Республикаси, бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан (жами 24 та) таълимни янгилаш, уни бошқаришни такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни таълимтарбия жараёнига татбиқ этиш, ўқувчи ва талабаларни маълум мутахассисликка тайёрлаш, педагог ходимлар малакасини ошириш, хорижий инвестицияларни таълим тизимига жалб этиш йўналишларида иш олиб борилмоқда.

Ҳамкорлик муносабатлари, айниқса, дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларнинг сифати ва мазмунини яхшилаш, нашр этиш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара шаклини жорий этиш, ҳамкорликда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратиш, педагог ходимлар малакасини ошириш йўналишларида самарали кетмоқда. Осиё Ривожланиш Банки (ОРБ) ушбу мақсадлар учун 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Бундан ташқари республикадаги 15 та малака ошириш институтларига ОРБ томонидан компьютерлар, кичик босмахона олиб берилди, улар ёрдамида ахборотлар узатишнинг "Модем" тизими жорий этилди. Истиқболда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Осиё Ривожланиш Банки ўртасида имзоланган Меморандум асосида республика педагогик кадрларнинг малакасини ошириш лойиҳаси ва стратегик заём масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказиладиган кўп босқичли танловлардан муваффақиятли ўтган 402 нафар ўқувчи бир йилга АҚШга ўқишини давом эттириш учун юборилди. 1997 йилдан бери АКСЕЛС ташкилоти ўтказаётган "Инглиз тилини ўқитишда аълочилик мукофоти" дастури асосида ҳар йили 42 нафар ғолиб ўқитувчи 200 АҚШ долларига тенг миқдорида ўқув-методик адабиётлар, улар ишлайдиган мактаблар эса 2000 АҚШ долларига тенг компьютер жиҳозлари билан рағбатлантирилди. Шу танлов ғолибларидан ҳар йили 10 киши АҚШ университетларига малака оширишга юборилаётир.

Умуман, ўн йил мобайнида халқ таълими тизимидан 3492 киши турли таълимий мақсадларда хорижий мамлакатларга юборилди.

Кейинги 8 йил ичида АҚШнинг Тинчлик Корпуси ташкилотининг 400 дан ортиқ кўнгиллилари республика мактабларида ўқувчиларга инглиз тилини чуқур ўргатиш, иқтисодий таълим, компьютер саводхонлиги бўйича иш олиб бордилар.

Бугунги кунда хорижий инвестициялар бўйича ваколатхона буюртмасига асосан халқаро донорлик ташкилотларидан таълим соҳасидаги энг долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадлари учун сармоялар олиш бўйича таклифлар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бироқ юқорида баён этилганларга қарамай, таълим бўйича халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, илғор чет эл тажрибаларини мамлакатимиз таълим муассасалари амалиётига татбиқ этиш, таълим тараққиёти манфаатлари йўлида халқаро ташкилотлар, ваколатхоналар имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ўқув муассасаларига чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш, кадрлар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Масалан, АҚШнинг Тинчлик Корпуси ташкилоти билан имзоланган шартномага кўра қўшимча шартномалар асосида кўнгиллилар фаолиятини таълим тизимининг барча соҳаларида амалга ошириш таклиф этилган. Бироқ, вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари ҳам, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳам бу таклифларга панжа орасидан қараб, ҳамкорликнинг янги-янги шаклларини таклиф қилмадилар.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан имзоланган Битим асосида педагогика институтларининг талабалари ҳамда ижтимоий фанлар бўйича вазирликка қарашли илмий тадқиқот муассасаларининг ёш тадқиқотчилари, аспирантлари, стажёрлари ўртасида танловлар ўтказиб ғолиб-номзодларни АҚШда ўқиш ва илмий тадқиқот ишларини давом эттиришга юбориш кўзда тутилган. Бироқ, педагогика институтларида ва педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг айби билан битимнинг бу банди бажарилмади. АКСЕЛС ташкилоти томонидан юқори синф ўқувчиларига 1 йил давомида АҚШга бориб ўқиш ҳуқуқини берувчи танловларнинг ўтказиш жойи ва вақти 1,5 ой илгари маълум қилинганлигига қарамай, танловга Қашқадарё вилоятидан 209 та, Сирдарёдан 164 та, Жиззахдан 189 та, Бухородан 157 та ўқувчи қатнашди, холос. Маълум бўлишича танловни ўтказиш бўйича ўқувчилар ва ота-оналарга кеч хабар берилган, оммавий ахборот воситалари орқали бу танлов ҳақида эълонлар берилмаган. Натижада 2001 йилги танловда юқоридаги 4 вилоятдан бирорта ҳам вакил ўтмаган. Бунинг асосий сабаби АКСЕЛС ташкилотининг мақсад ва вазифаларини тушунтирмаслик, бу ташкилот билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга интилмаслик, ҳамкорлик бўйича ота-оналар, ўқувчилар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борилмаганлиги ёки инглиз тилини ўқитиш сифатининг пастлиги. Яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ажратиб олинган танлов ғолиблари таркибида маҳаллий (ўзбек) миллатига мансуб ўқувчилар сони ҳар йили 20-30 фоиздан ошмайди. Масалан, Тошкент шаҳридан ғолиб чиққан ўқувчилар сони 16 та вилоятларида хорижий давлатларда малака ошириш, халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиш бўйича олинган таклифлар асосида ўқитувчиларни чет элга чиқиш визалари ва бошқа тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиришда кўмаклашиш ўрнига бу ишларни бюрократларча пайсалга солиш ҳолатига йўл қўйилган.

Вазирликнинг ҳайъат мажлиси йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни атрофлича ўрганиб чиқиб, Халқаро ҳамкорлик алоқалари бошқармасининг хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича амалга ошираётган ишларини қониқарсиз деб топди.

Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик йўналишидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, бу соҳадаги ишларни янгидан-янги шакл ва услубда ривожлантиришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳайъат мажлисини Халқ таълими вазири Р.Жўраев олиб борди.

Акбар БАҲРОМОВ,
Халқ таълими вазирлиги Матбуот маркази раҳбари

ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ТАЪЛИМ ТУРИ

Dolzarb mavzu

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим олувчилар меҳнат жамоаларида тарбияланади, ўқув муассасаларида ишлаб чиқаришнинг талаб эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ,ривожлантиришнинг янги йўналишлари билан кенг танишадилар.

Ушбу шартномаларга ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали муҳандис-техник ходимларини касб-ҳунар коллежларида ўриндош сифатида махсус фанлардан дарс беришга ва амалий машғулотлар ўтказишга жалб қилиш, шу билан бир вақтда, ўқув муассасаларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларини замонавий техника, технологиялар билан ишлаш малака ва кўникмаларини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам равишда ошириб бориш масалалари киритилиши лозим.

Ишлаб чиқариш корхоналари ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадрлар ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурслардан ўқув ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланишга ажратиш масалалари ҳам шартномадан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш учун тизимнинг 394 нафар раҳбар ходимлари, педагог ва муҳандис-педагоглари "Устоз" жамғармаси орқали ҳамда чет эл кредитлари ҳисобига АҚШ, Олмония, Франция, Голландия ва Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларда, ЮНЕСКО ва СОРОС жамғармаси билан биргаликда эса, республикамизда ташкил қилинган махсус курсларда, ЎМКҲТ ўқув муассасаларининг 750 нафар ўқитувчилари янги таълим стандартлари, илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш бўйича малакаларини оширдилар.

Бундан ташқари, ЎМКҲТ ўқув муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш семинарлар ҳамда конференциялар ўтказиш орқали ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, ЮНЕСКО, ЕФО, халқаро меҳнат ташкилоти, Осиё тараққиёти банки, JICA каби ташкилотлар томонидан юртимизда ва хорижда уюштирилган халқаро анжуманларда тизим мутахассислари фаол қатнашдилар.

ЎМКҲТ Маркази томонидан ҳам бир қатор халқаро семинар ва конференциялар ташкил этилди. Жумладан "Устоз" жамғармаси томонидан таклиф қилинган америкалик олимлар иштирокида "АҚШ таълим тизимининг хусусиятлари" мавзусида Тошкент Давлат педагогика университетида, Бухоро ва Самарқанд Давлат университетларида, ЎМКҲТ ривожлантириш институтида ЮНЕСКО вакиллари иштирокида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг психология ўқитувчилари билан, исроиллик мутахассислар иштирокида янги турдаги ўқув муассаса директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари билан "Исроил таълим тизими" мавзусида семинарлар ўтказилди.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси билан тузилган шартнома асосида мунтазам равишда илмий-амалий семинарлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида физика-математика фанларини ўқитишни такомиллаштириш" мавзусида ўтказилган семинарда 200 дан ортиқ ўқитувчилар ўзларининг илмий-амалий маърузалари билан қатнашдилар, "Оила психологияси" ўқув қўлланмаси асосида 101 нафар психологлар бир ҳафта давомида ўз малакаларини оширдилар. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари учун "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар", "Конституцияни ўрганамиз" курслари бўйича ҳафталик малака ошириш курслари ташкил этилди.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида, бугунги кунда малака ошириш муассасаларининг замонавий моддий техника базасига эга эмаслиги асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу моддий-техника базасини яратиш, малака ошириш жараёнларида илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг янги, замонавий ахборот технологияларини қўллашни ташкил қилиш ҳамда ушбу соҳада намунавий дастурлар яратиш, аудиовидео, компьютер, мультимедиа техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтишни кенг кўламда жорий қилиш тизим муассасалари олдидаги долзарб вазифадир.

ЎМКҲТ тизимида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш устида самарали иш олиб бориш зарур. Бу борада олимларимиз олдида таълим жараёнини дидактик ва ахборот билан таъминлашнинг янги авлодини жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқиш бўйича компьютер ва замонавий ахборот технологияларини кескин ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнида жорий этиш мақсадида, маҳаллий компьютер технологияларини ва ўзбек тилидаги янги ўқув компьютер дастурларини яратиш бўйича самарали ишларни амалга ошириш вазифаси турибди.

Педагоглар касбий қийинчиликларни енгиб ўтишининг энг ишончли усули - ўқув муассасаларидаги методик хизматни юқори савияда ташкил қилиш орқали уларнинг малакасини ошириш ҳисобланади. Ушбу вазифа, ўқув муассасалари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун биринчи даражали бўлиши лозим. Ўқув муассасасидаги таълим сифати, жамоанинг янгиликка интилувчан, ижодий кайфияти ва нуфузи ушбу вазифаларга кўпроқ боғлиқ.

ЎМКҲТ ривожлантириш институти малака ошириш факультети илмий ходимлари ва методистлари ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш дастурини яратиш ҳамда уни амалиётга жорий қилишда кўмаклашадиган (ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун) тавсияномалар ишлаб чиқиш ишларини ташкил қилишлари керак.

Ушбу дастурнинг тузилиши ва мазмуни ўқитувчилар касбий малакасининг ошишига қаратилган мавзулар, услублар, анкета-сўровлар ва иш шаклларини эркин танлаш имконияти билан уйғун бўлиши мақсадга мувофиқдир. Дастурнинг бундай тузилиши, малака оширишда ўқитувчиларнинг ижодий кучқувватини ривожлантириш, назарий-амалий, методик ва технологик тайёргарлиги билан биргаликда олиб бориш имконини беради.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Андижон тумани Оқёр саноат касб-ҳунар коллежи қошида инновацион таълим технологиялари бўйича ҳудудий тренинг маркази ташкил этилди. Мазкур муассаса, замонавий таълим ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи ҳамда ҳаётга татбиқ этувчи, педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизимининг таянч инновацион-тренинг маркази ҳисобланади.

Ушбу марказда "Замонавий инновацион педагогик технологиялар" мавзусида тренинг-семинарлар замонавий таълим технологиялари; давлат таълим стандартлари; модулли ўқув режа ва дастурлар; тайёргарлик сифатини баҳолаш ва назорат қилиш; таълим жараёни мониторинги каби йўналишлар бўйича ташкил қилинади. Мазкур йўналишлар бўйича тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, оптимал ташкилий шаклларини танлаш, ўқитишда замонавий техника воситаларидан фойдаланиш ва уларни лойиҳалаштириш, модул асосида ўқув дастурлари тузиш, педагогик фаолиятда давлат таълим стандартларидан фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини баҳолаш, педагогик технологиянинг мониторинг жараёнини лойиҳалаштириш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Маълумки, касб-ҳунар ўқув муассасаси таълим тизимининг алоҳида тури сифатида умумтаълим тайёргарлигини давом эттиришни, бўлажак мутахассисларнинг касб-ҳунар таълимини ошириб боришни, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилишни таъминлайди.

Касб-ҳунар ўқув муассасаларининг таълим хизматлари сафига турли пуллик факультатив курслар, репетиторлик, турли тўгараклар қаторида малака ошириш ва янги мутахассисликларни ўзлаштириш орқали кадрларни қайта тайёрлаш бўйича курсларни ташкил қилиш, академик ва олий ўқув муассасалари билан шартномалар бўйича экспериментал педагогик ишларни бажариш ҳам киради.

Бунинг учун, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида қўшимча таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш ва бўлажак таълим олувчилар контингентини аниқлаш, муассасанинг моддий-техник ва методик базасини таҳлил қилиш зарур.

Кўпчилик касб-ҳунар коллежларида замонавий технологияларга мос равишдаги ўқув-моддий база ва мутахассис кадрларнинг мавжудлиги, шартнома асосида ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун, ишлаб чиқариш корхоналарида кадрлар ўқуви ва қайта тайёрлаш ўқув-тренинг марказларини ташкил қилиш имконини беради.

Бу борада, ЎМКҲТ Маркази ва унинг худудий бошқармалари тегишли вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар ("Фармсаноат", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзбекимёсаноат" ва бошқалар) билан шартномалар тузиш ишларини ташкилий жиҳатдан бошлаб юбордилар.

Шу билан бирга, ЎМКҲТ Маркази Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда "Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқиш бўйича ишларни якунламоқда. Унда, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва турли фан мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалалари ҳам эътиборга олинган. Бу ишга олий ўқув юртлари ва академик институтларда ишлаётган профессор ва олимларни жалб қилиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси институтларининг етакчи олимлари билан ҳамкорликда илғор педагогик технологияларни яратиш ва уларни ЎМКҲТ ўқув муассасалари амалиётида жорий қилиш орқали, замонавий ахборот технологиялари бўйича ишланмаларни академик лицей ва касб–ҳунар коллежларида тажрибадан ўтказиш орқали, айниқса ёш олимларни ўриндошлик асосида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс бериш жараёнига жалб қилишимиз зарур. Бу ишларни самарали ташкил қилиш натижасида фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрлар таълим жараёнига жалб қилинади ҳамда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида илмий-техник йўналишидаги тўгаракларни ташкил қилиш имконияти пайдо бўлади ва уларнинг ёш олимлар рахбарлигидаги фаолияти орқали ўқувчи-ёшларимизнинг илмий-техник ижодкорлиги ривожлантирилади. Шу билан бирга, ўқув муассасалари педагог ва мухандис-педагоглари ҳам илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиниб, уларнинг илмий салоҳиятларини ошириш мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг сони йилдан-йилга ортиб боришини, илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнига шаҳдам кириб келишини ва улардан унумли фойдаланиш учун юқори малакали кадрлар зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд малака ошириш муассасалари ўрнига замонавий моддий-техник база ва таълим жараёнини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қила оладиган профессор-ўқитувчиларга эга бўлган минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларини барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, педагог ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, таълимнинг алоҳида босқичи сифатида ислоҳ қилиниши, уларни алоҳида молиялаш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш лозим.

Республикамизда 1998-2000 йиллар мобайнида 306 та янги турдаги ўқув муассасалари, яъни, 27 минг ўқувчига мўлжалланган 46 та академик лицейлар, 167 минг ўқувчига мўлжалланган 260 та касб-ҳунар коллежлари ташкил этилган бўлиб, уларни бунёд этиш учун давлат бюджетидан 135 миллиард сўм маблағ ажратилди. Келажакда умумий сони 974 минг ўқувчига мўлжалланган 134 та академик лицей ва 1352 та касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари, кўргазмали қуроллар, дастгоҳлар, машқ техникалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун умумий қиймати 150 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий имтиёзли кредитлар жалб қилинмоқда.

Жумладан, шу кунгача 218 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқув жиҳозлари келтирилди ва ҳозирги кунда жойларга етказилмоқда.

Шунингдек, яқин икки йил ичида Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилаётган 57 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан 45 та ўқув муассасаси жиҳозлар билан таъминланади ва Япония ҳукумати томонидан ажратилаётган 58 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан 50 та қишлоқ хўжалик коллежларини жиҳоз билан таъминлаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, республикамизнинг турли вазирлик ва идоралари ҳамда хориждаги донор ташкилотлари билан ҳамкорликда тизим ривожи учун имтиёзли, узоқ муддатли хорижий кредитлар ва грант ёрдамларини жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Германия ҳукумати томонидан КФВ Банки орқали ажратиладиган 15 млн. немис маркаси миқдоридаги кредит маблағи ҳисобига асосан электроника ва информатика йўналишларидаги 10 та коллежни жиҳозлаш, Голландиянинг ORET шаклидаги молиялаштириш дастури бўйича республикамизда 14 та минтақавий ўқув марказлари ташкил этиш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун 7 млн. евро миқдорида грант ҳамда 12 млн. евро миқдорида кредит маблағлари жалб қилиш, кореялик ҳамкорлар ёрдамида Самарқанд туризм коллежини жиҳозлаш, Германиядаги турдош ташкилотлар таклифига кўра Баварияннинг ОВЦ-Байерн ўқув марказида кадрлар малакасини ошириш дастурини амалга ошириш шу ишлар жумласидандир. Шунингдек, ҳозирги кунда Австрия, Швейцария, Финляндия, Буюк Британия, Бельгия, Италия, Испания, Сингапур, Исроил каби давлатларнинг тегишли молиявий ташкилотлари билан бу йўналишда музокаралар олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЎМКҲТ муассасалари педагог ва муҳандис-педагогларининг олдида ўқувчиларнинг ҳар бирига ўз билимлари, эътиқодлари, тажрибалари, кўникмалари ва маҳоратларини, яъни "таълим мазмуни" тушунчасини ўз ичига олган барча хислатларини замон талабларига мос равишда етказиш вазифаси турибди. Бу эса замонавий, хаттоки тажриба сифатида тасдиқланган Давлат таълим ва тармоқ стандартлари ўқитишнинг илғор методларини ташкил қилишни талаб қилади. Бунинг учун, ўқув муассасаларида катта ҳажмдаги ўргатиладиган материални замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида ишлаш учун тайёрланаётган кичик мутахассислар талаб қиладиган ва келгусида фойдаланадиган билимлар даражасига ўзгартириш устида иш олиб боришимиз керак. Барча педагог ва мухандис-педагог кадрлар Давлат таълим ва тармоқ стандартларининг талабларини амалга ошириш бўйича янги методлар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида ўз малакаларини оширган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилишга мослашлари зарур. Шунда, ўқитувчиларимиз болаларимизга жаҳон андозаларига мос билим берадилар.

XXI асрга қутлуғ қадам қўйилган ва Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичига якун ясалиб, унинг натижалари ҳисобга олинган ҳолда иккинчи босқичини амалга оширишга киришилаётган бир пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари мазкур тизимни «намунали таълим тизимига айлантириш» шиори остида тинмай меҳнат қилмоқда. Зеро, бугунги саъй-ҳаракатлар келажак авлодларимиз равнақининг гаровидир.

МАДАДГА МАЪЛУМ КРЕДИТИ

Янги 2001-2002 ўқув йилининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун ҳужжат топширган абитуриентлар орасидан энг билимдонлари саралаб олинди. Улар қаторида таълимнинг тўлов-контракт усули бўйича таълим оладиганлар салмоқли ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш банк муассасалари олдидаги муҳим вазифадир.

Хўш, таълим кредитлари бериш қандай амалга оширилади? Банк, талаба ва олий ўқув юртининг бу борадаги муносабати қандай йўлга қўйилади? Биз ана шундай саволлар билан республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк" тизими бошқаруви раисининг ўринбосари Баҳодир Дакибоевга мурожаат қилдик.

Савол: Қарор ижросини таъминлаш йўлида банкда қандай ишлар амалга оширилди?

— Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор матни ва Низом банкимиз жамоаси томонидан пухта ўрганиб чиқилди. Унинг мақсади, моҳияти банкнинг 30 та филиал ва бўлимларида ҳам муҳокама қилинди. Банк бошқарувининг шу йил 15 августдаги навбатдан ташқари мажлисида "Ғаллабанк" тизимида таълим кредитини расмийлаштиришнинг вақтинча тартиби ишлаб чиқилди. Унда банкнинг кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, кредит қайтарилиши таъминотига қўйиладиган талаблар, мижозни кредитлаш тартиби, кредит фоизларини ҳисоблаш тартиби ва бериладиган имтиёзлар, айрим-айрим моддаларда баён этилди, кредитни расмийлаштиришда керак бўладиган ҳужжатларнинг намуналари келтирилди.

Албатта, қарорда таъкидланганидек, таълим кредити ажратишда ва уни тўлаб боришда банкнинг ҳам, қарз олувчининг ҳам ўзига хос мажбуриятлари, ҳуқуқлари ҳамда жавобгарликлари бор. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилди ва тартибда ўз аксини топди.

Тўлов-контракт асосида ОЎЮнинг кундузги бўлимига қабул қилинган талаба банк бошқарувчиси ёки унинг филиал, бўлим мутасаддиси номига таълим кредити сўраб ёзилган ариза олиб кирганда, унинг қўлида ОЎЮга кирганлиги тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бўлиши керак.

Маълумки, таълим кредити тўлов-контракт асосида ОЎЮнинг кундузги бўлимига қабул қилинган талабанинг онаси, ота-си ёки васийси номига ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бунда ариза ҳам шу шахслар номидан ёзилади ҳамда талабанинг васийликка олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади. Кредит сўраб ёзилган аризада кредит қайтарилиши учун таклиф қилинаётган таъминот тури аниқ кўрсатилиши лозим.

Савол: Масаланинг энг нозик томонига ҳам етиб келдик, шекилли. Таълим кредитининг қайтарилишини кафолатловчи таъминот турларига нималар киради?

Қарз олувчи банкка низомда кўрсатиб ўтилган таъминот турлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, гаров объекти бўла оладиган ҳар қандай мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқлар, жумладан кўчар ва кўчмас мулклар, қимматбаҳо қоғозлар, қимматбаҳо тақинчоқ ва зебу-зийнатлар, банк омонати жамғармаларини, валюта бойликларини, амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа турдаги бойликларни гаровга қўйиш мумкин.

Банкимизда ишлаб чиқилган тартибда таъминот турларига қўйиладиган шартлар, уларнинг баҳоланиши, расмийлаштирилиши билан боғлиқ бошқа масалалар аниқ ва батафсил ифода этилган.

Таълим кредити бўйича кредит фоизларини ҳисоблаш тартиби ва бериладиган имтиёзлар ҳам белгиланган тартибга кўра амалга оширилади. Бунда қарорда кўрсатиб қўйилганидек, чин етимлар, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш назарда тутилган.

"Ғаллабанк" олий ўқув юртларини муваффақиятли тугатиб, тегишли синовлардан ўтиб, РАТБ "Ғаллабанк" тизимида ишлаш истагини билдирган талабалардан кредит бўйича асосий қарзни ёки унинг бир қисмини ўзи ҳисобидан қоплаш йўли билан талабани тўловлардан озод қилиши мумкин.

Бир неча сўз таълим кредити бўйича кредит фоизларини ҳисоблаш тартиби ҳақида.

Банк бериладиган кредит учун бош кредит шартномаси юридик кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида қарздорга алоҳида ссуда ҳисоб варағи очади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ўзгарганлиги тўғрисида банк қарздорни хабардор қилиб бориши керак.

Фоизлар ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирилмаган ҳолда тўлаб борилиши керак. Агар талаба ўқишни кечки ёки сиртқи бўлимга ўтказса, уч кун муддат ичида банкка ёзма равишда хабар қилиши шарт.

Талаба ўқишни тугатгунга қадар кредит фоизлари ойма-ой тўлаб борилади.

Томонлар ўртасида келишмовчилик ва низоларнинг рўй бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундай кезда низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Таълим кредитларини бериш иши республикамизда илк бор амалга оширилмоқда. Бу мустақил Ўзбекистоннинг истиқболини ўйлаб қилинаётган ишдир. Агар барча олий ўқув юртларининг мутасадди шахслари, банк муассасалари тўлов-контракт асосида таълим олиш истагидаги талабаларнинг эҳтиёжларини белгиланган қонун, тартиб ва қоидалар асосида ташкил этсалар, ўйлайманки, ана шу эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Ана шу стандарт қоидаларга кўра адолатли судловга эришишнинг асосий мақсади — вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол қилиб улғайтиришдир.

Ҳозирги кунда тендер ғолиблари маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли маблағ ўтказилган туман (шаҳар)лардаги белгиланган мактабларга мебелларни етказиб бериб ўрнатмоқдалар.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси Х.Тошбоевдан

САВОЛ:

"Эл-юрт ҳурмати" орденига сазовор бўлганлар учун имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ:

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баробари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. Қонунчилигимизда ушбу мукофот билан тақдирланганларга бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар, Шайхали пост 13-уйда яшовчи Ҳилола Худойбердиевадан

САВОЛ:

1. 2001 йил 11 июль куни мактаб директоридан "Ўқишга кирмаса (яъни институтнинг сиртқи бўлимига), янги ўқув йилидан тузилган шартнома бекор қилинади" деган мазмунда ёзма огоҳлантириш хати олдим. Шу тўғрими?

2. Уй-жой учун солиқ тўлашим керакми?

ЖАВОБ: Президентимиз ва ҳукуматимиз олий маълумот ололмаган, бироқ ўрта махсус билим юртини битириб, шу асосда ўқувчиларга дарс бериб келаётган

Ma'rifat маслаҳатхонаси

ўқитувчиларга олий таълим бериш мақсадида "2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорини чиқарган. Сиз имкон топиб ушбу институтларнинг махсус сиртқи бўлимларига кириб ўқишингиз лозим. Мактаб директорининг шартномани бекор қилиниши ҳақидаги ёзма огоҳлантириши эса қонунга зиддир.

2. Ўқитувчиларга Президент Фармони асосида коммунал хизматлар учун имтиёзлар яратилган, бироқ уй-жой учун солиқ тўланиши керак.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) ҳарбий хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИНИНГ МУНОСИБ СОВҒАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш вазифаларидан бири таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни давом эттиришдан иборат. 1997-2001 йиллар давомида республика бўйича 188 мингдан зиёд ўқувчи ўрнига эга бўлган 518 та мактаб ва уларга қўшимча бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги бинолар қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирлаш ҳисобига кейинги 4 йил давомида фаолият кўрсатаётган мактаблар сони 127 тага, синф хоналарининг сони эса 6755 тага ортди.

Қуриб фойдаланишга топширилган, реконструкция қилинган ва моддий-техник базаси етарли даражада бўлмаган мактабларни жиҳозлар, кўргазмали ва техник воситалар билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактабларини сифатли ўқув мебеллари билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида Низом"га мувофиқ ҳукумат билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан, Молия вазирлиги вакиллари иштирокида, шу йилнинг март ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларида мебеллар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ўқувчилар столи ва стули (комплект) ҳамда синф доскаси учун тендер савдолари ўтказилган эди. Мазкур тендер савдоларида Тошкент шаҳридаги "Файз-Барака ММЛ" масъулияти чекланган жамият билан Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган "Силвер-Глоба ЛТД" қўшма корхонаси ғолиблар қаторидан ўрин олган эди.

Тендерда танлаб олинган мактаб мебеллари Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган талабларга мос келади. Стол ва стуллар сифатли ламинат билан қопланган, мустаҳкам ва ёнғинга чидамли, ўқувчиларнинг ёшига, физиологик ривожланишига, гигиеник талабларга жавоб беради. Синф доскаси металдан ишланган бўлиб, магнит ёрдамида кўргазмали қуролларни илиш учун қулайдир. Тендер ғолиблари маҳсулот сифатига ва ҳолатига 5 йил муддатга кафолат берганлар ҳамда маҳсулотларни жойларга олиб бориш, монтаж қилиш ва мактабларга ўрнатиш харажатларини тўлиқ ўз зиммаларига олганлар.

Ҳозирги кунда тендер ғолиблари маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли маблағ ўтказилган туман (шаҳар)лардаги белгиланган мактабларга мебелларни етказиб бериб ўрнатмоқдалар. Бу ишлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, маҳаллий ҳокимликлар белгиланган маблағ ажратдилар ва биринчи бўлиб ҳар бир туман (шаҳар)даги биттадан мактаб мебеллар билан тўлиқ жиҳозланди.

Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан маблағларни ўз вақтида ўтказганликлари, шартномани биринчи бўлиб бажарганликлари ва бу ишларга масъулият билан ёндошганликлари муносабати билан "Файз-Барака ММЛ" масъулияти чекланган жамияти Қорақалпоғистон Республикасининг экологик жиҳатдан шароити яхши бўлмаган худуддаги битта мактабга, "Силвер-Глоба ЛТД" қўшма корхонаси Наманган вилоятининг реконструкция қилинган битта мактабига бир миллион сўмдан ортиқ баҳодаги синф столи ва стуллари (комплект) ҳамда синф доскаларини совға сифатида тақдим этдилар.

Бу Мустақилликнинг 10 йиллик байрамига, янги ўқув йилига мебеллар бўйича тендер савдолари ғолибларининг муносиб туҳфасидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Матбуот маркази

"ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА"

Мана, ўн йилдирки, жонажон Ватанимиз Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўзининг янги ҳаётини қураяпти. Халқимиз ҳаётнинг турли жабҳаларида ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини енга бориб, мамлакатимизнинг иқтисодий, маънавий ва маърифий ривожланишига ҳаракат қилиб келмоқда.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим тармоғи бўлмиш—бу таълимдаги ислоҳотлардир. Юртимизнинг келажаги бўлган ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал, билимдон, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг униб-ўсиши учун барча имкониятларни яратиб бериш асосий вазифамиздир. Бу соҳада муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" юртимизда таълим тизими, фан ва маданиятининг юксалишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ таълимининг муҳим бўлимларидан бири, бу физика, математика ва информатика таълимидир. Айниқса, математика таълими узлуксиз таълим тизимининг барча турларида иштирок этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Айни пайтда жуда кўп вақтлардан бери бу фанлардан дарсликлар, методик қўлланмалар, методик тавсияномалар, оммабоп адабиётларнинг етишмаслиги, айниқса даврий матбуот органининг йўқлиги ҳам кўп маротаба эслатиб келинган.

Шу боис Халқ таълими вазирлиги қошида "Физика, математика ва информатика" журнали ташкил этилди.

Журнал орқали сиз азиз ҳамкасбларимизни физика, математика ва информатика фанларининг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лиқеи, коллежларда ва олий ўқув юртларида ўқитилишининг концепцияси (йўриқномаси) ва дастурлари бўйича фикр-мулоҳазалар, ўқитувчилар учун аниқ тавсиялар, малакали ва юқори тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, ўқитишнинг янги технологиялари, у ёки бу мавзулар бўйича назарий ва амалий ўқув материалларининг структуравий тузилиши, ўқитишнинг метод (технология)лари; масала ва мисоллар системаси; олимпиада кўринишидаги масалалар ва уларни ечиш услублари; ҳозирги кунда хорижда фойдаланилаётган янги педагогик технологиялар; ўқитиш воситалари ва ундан фойдаланиш технологияси; интернет тизимидан ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг оптимал кўринишлари; мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш услублари ва ўқитувчиларимизнинг жойларда малакасини ошириш учун дастурлар билан таништириб боришни ният қилганмиз. Шу билан бирга журнал таҳририяти уни кўп сонли муҳтарам ўқитувчиларимизнинг ўз фикр-мулоҳазаларини, иш тажрибаларини, методистларимизнинг янги-янги ғояларини баралла айтадиган минбарга айлантиришга ҳаракат қилади.

Yangi jurnal

Журнал фаолиятининг иккинчи йўналиши ўқувчи ёшларнинг физика, математика ва информатикага бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг билим даражаларини юксалтириш ва шу билан бирга тест маркази билан ҳамкорликда тест синовларининг натижаларини, математика фанининг қайси бўлимларидан ёшларимизнинг билим савиясидаги етишмовчиликларни талаб даражасига кўтариш услубларини ёритиб боришдир.

Журналнинг шунингдек тарихий маълумотлар саҳифасида Марказий Осиё олимларининг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссалари ва бу маълумотларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш масалаларига эътибор берамиз.

Журнал ўзининг олдига жуда катта вазифаларни қўйган, бу вазифаларни ўқувчилар оммасига етказишда таҳририят ва унинг ҳайъати аъзолари ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олади. Журнал икки ойда бир марта чиқади. Журнал индекси 991. Обуна бўлишга шошилинг.

ЖУРНАЛ ТАҲРИРИЯТИ.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизнинг "Шератон" меҳмонхонасида "Урта Осиё ва Муғилистонда Ювенал адлия" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Қозоғистон, Қирғизистон, Муғилистон ва Тожикистон мутахассислари ҳамда Буюк Британиянинг "Болаларни асранг!" номли жамғармаси, Очиқ жамият институти СОРОС жамғармаси ва БМТнинг ЮНИСЕФ жамғармаси вакиллари, Узбекистондан прокуратура идоралари, ички ишлар ходимлари, суд органлари, жазони ижро этиш муассасаларидан мутахассислар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда нодавлат ташкилотларидан вакиллар қатнашдилар. Мазкур халқаро конференциянинг мақсади Урта Осиё ва Муғилистон давлатларининг миллий қонунчилигини қуллашда бир қанча муаммоларни; вояга етмаганлар тўғрисидаги миллий қонунчиликнинг халқаро андозаларга мослигини ҳамда жазонинг имтиёзли қабул қилинишини ўрганишдан иборат.

Хабарингиз бўлса, 1985 йилда БМТнинг минимал стандарт қоидалари, "Вояга етмаганлар муносабатида адолатли суд қилиш" Пекин қоидалари, 1989 йилда БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси қабул қилинган эди. 1990 йилга келиб эса БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан яна учта асосий ҳужжат — Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун қулланиладиган чора-тадбирлар, Вояга етмаганларни ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар, Қамоқ жазосига боғлиқ бўлмаган, чора кўриш муносабатидаги минимал стандарт Токио қоидалари қабул қилинди. Ана шу стандарт қоидаларга кўра адолатли судловга эришишнинг асосий мақсади — вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол қилиб улғайтиришдир.

Ривожланган давлатлар тажрибасида ювенал судлар дунёнинг барча мамлакатларида — АҚШ, Канада, Германия, Франция, Италия, Япония, Польша ва Россияда ҳам кенг тарқалган ва ҳозирда уз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Афсуски, Ювенал адлия тушунчаси бизнинг аҳолига, жамиятимизга яхши таниш эмас. Шунинг учун Урта Осиё ва Муғилистон давлатларида Ювенал адлиянинг миллий тизими бошлангич даражада қолиб кетмоқда. Шу туфайли ҳозирда юқорида айтиб ўтилган халқаро қоидалар стандартлари миллий қонунчилигимизга тарғиб қилинмоқда. Халқаро ҳуқуқ андозаларининг миллий қонунчиликка таъсири эса кўпгина муаммоларнинг ҳал булишига олиб келади.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

ФИЗИКЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Собир Раҳимов академик лицейида Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар таълими мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммоларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг физика ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманда ЎзМУнинг физика ўқитиш услуби ва тарихи кафедраси мудири, профессор Эргаш Назиров, физика-математика фанлари доктори, профессор Комил Турсунметов, ЎзМУ ҳузуридаги Собир Раҳимов академик лицейи директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Баҳодир Йўлдошев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Академик лицейда физика фанини ўқитиш борасида орттирилган илғор тажриба ўрганилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

ЛИЦЕЙНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

Бугунги кунда Китоб туманидаги 2-лицейда 200 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олаяпти. Лицей 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, ижтимоий соҳага йўналтирилган. Даргоҳнинг бу йилги қабул жараёни ҳам ҳар галгидек қизғин кечди. Унга 145 та ҳужжат топширилди. Шундан 25 нафари тест синовлари асосида қабул қилинди.

— Лицей билан ўрта мактаб ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бўлмаса-да, ҳар қалай тафовутли жиҳатлари бор, — дейди лицей директори Алимардон Норов. — Бунинг сабабини кўпчилик табиий деб билади. Тўғри, лицейларда муайян фанлар чуқур ўргатилади. Лекин бу ҳолатнинг асосий сабаби бошқа ёқда. Лицейларда чет тили фани яхши ўргатилади. Республикамизнинг кўпчилик жойларида, айниқса, қишлоқ мактабларида чет тили фани ўқитувчилари етишмайди. Бизнинг лицейда ҳам ўрта мактабларда ўтиладиган фанлардан деярли фарқ қиладиган дарслар ўтилмайди. Лекин маълум фанлар чуқур ўргатилиб, айниқса, инглиз тилига кўпроқ эътибор берилади. Мен бугун ишонч билан айтиб ўтишим мумкинки, лицейни битирган ўқувчиларнинг 80-85 фоизи олий ўқув юрти талабаси бўлаяпти.

Мазкур лицейнинг бугунги кундаги фаолияти билан танишар эканмиз, ундаги қулайликларни кўриб бугунги муваффақиятларига тўла асос борлигига амин бўлдик.

Гулноза МЎМИНОВА

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган шундай инсонлар борки, улар тақдирини мактаб билан боғлаб, ўз бахту иқболини келажагимиз пойдеворлари — ўғил-қизлар бахтида кўраётган кишилардир. Толмас ака Норов ана шундай фидойи маорифчилардан. У киши Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги М.Беҳбудий номли 13-мактабда ўз фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлади. Олий маълумотли она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида, аввало, педагогик жамоада, сўнг туман ҳамкасблари ўртасида шуҳрат қозонган устоз 1971 йилда илмий бўлим мудири, 1976 йилдан эса шу мактабда директор лавозимида ишлади. Тиниб-тинчимас раҳбар, аввало, мактабда соғлом муҳитни яратиб, аҳил педагогик жамоани юзага келтирди. Қувонарли томони шундаки, халқ таълими соҳасидаги ҳар бир янгилик домла раҳбарлик қилаётган мактабда ўз ифодасини топмай қолмайди. Ҳозиржавоб раҳбар мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўлловчи махсус бичиш-тикиш хонаси, гиламдўзлик бўйича тўқиш хонаси, дурадгорлик ўқув хоналари, рассом-ҳайкалтарошлик, темирни пайвандлаш каби тўгараклар ташкил этиб, уларга тажрибали ҳунарманд раҳбарларни жалб этди. Тўгарак маҳсули сифатида тўқилаётган араби гиламлар, ироқи дўппилар, измак, миллий кашталар мактаб қошидаги "Уста" савдо дўкони орқали арзон нархларда сотилиши халққа манзур бўлаётган бўлса, ўқувчилар томонидан ўстирилган теракларни савдога қўйиш натижасида ҳар йили 60-70 минг сўм даромад олиниб, мактаб ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришга, иқтидорли ўқувчиларни стипендия билан таъминлашга, кам даромадли оилаларнинг фарзандларига дарслик олиб бериш ва ўқув хоналарини жиҳозлаш ишларига сарфланиши таҳсинга лойиқ.

— Натижа билан қувонасан киши, — дейди Т.Норов ўз ўқувчиси Шоҳрух Ўрозовнинг муваффақиятини эшитиб, — рассомлик-ҳайкалтарошлик тўгарагининг иштирокчиси Ш.Ўрозов ўз ўқитувчиси — тўгарак раҳбари Ўрол Қурбонов раҳбарлигида иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловида иштирок этди ва 1998-99 йилларида республикада фахрли 1-ўринни эгаллаб, I даражали диплом ва халқ таълими вазирининг "Ташаккурнома"сини олишга муяссар бўлди. Хусусан шу ўқувчи жорий йилнинг август ойида Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган иқтидорли ёшлар кўрик-танловида махсус кўргазмаси билан қатнашиб, ўз тенгқурлари ўртасида республикада 2-ўринни эгаллаб, 200 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Бундан ташқари 13-мактабда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўз касбининг фидойиси, меҳрибон мураббий, янгиликка интилувчи, доимо тиниб-тинчимас мактабимиз раҳбари Толмас ака Норов ҳақида бир шогирд сифатида яна кўпгина илиқ фикрлар билдириш мумкин. Зеро, ушбу мактабни битириб, ҳозирда республика миқёсида фаолият кўрсатаётган бир нечта фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзодларининг ўзиёқ у кишининг меҳнатлари зое кетмаётганлигига далил бўла олади.

Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

меҳри дарё устоз ва мураббийларни, билимга чанқоқ талаба-ёшларни, барча таълим муассасаларида сидқидилдан меҳнат қилаётган халқ таълими ходимларини Ўзбекистон мустақиллигининг

10 ЙИЛЛИГИ

ҳамда янги 2001-2002 ўқув йили муносабати билан чин дилдан қутлайди. Уларнинг баркамол авлод яратиш, илм-маърифат эгаллаш йўлидаги эзгу ва савоб ишлари самара бераверсин.

Ўзбекистон телекоммуникацияси келажаги «Ўзбектелеком»га мансуб!

O'ZTELEKOM
Aksiyadorlik kompaniyasi
700000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24.
Тел. 133-42-59. Факс: 136-01-88.
E-mail: uztelecom@uzpak.uz
http: //WWW.uztelecom.uz

Биз шундай қалтис вазиятда ҳам бепарволикни, исрофгарчиликни давом эттирсак, менинг давримда, келажак авлод даврида бутун ер шари яраланган қушга айланиб қолмасмикан?!

Мазкур марказ қўйидан чиққан ташаббус асосида ташкил этилган бўлиб, ўз олдига умумтаълим мактабларида аниқ фанларни ўқитиш услубларини такомиллаштириш ва янги услубларни ишлаб чиқиш вазифасини мақсад қилиб қўйган.

МУҚАДДАС БУРЧ

Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

"Авесто"дан

Insho

Биз синфошлар билан Зарафшон водийси бўйига дам олгани отландик. Дарёга яқинлашганимиз сари автобус деразасидан салқин, енгил шабада урила бошлади. Шофер машинани дам олиш учун қулай, салқин жойда тўхтатди. Болалар қий-чув остида автобусдан тушиб, бирови жой ҳозирлаш, бирови ўтин териш, бирови балиқ овлаш билан овора бўлди. Тенгдошларимга нисбатан одамови, камгап, хаёлпараст бўлганлигим учун мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Якка хаёл суриб, китоб ўқишни ёқтираман. Бугун ҳам ўзим ёқтирган, қайта-қайта ўқийвериб, ёд бўлган "Ўтган кунлар"ни олиб дарё бўйида серўт, соя жойни танлаб, китобни варақлай бошладим. Лекин атрофдаги дилга ором берувчи сокинлик, ёқимли ҳид, сувнинг қуёш нурида жилоланиб оқиши мени маҳлиё қилди. Сувга қараб ҳаёлим узоқ-узоқларга элтади. Сув! Обиҳаёт... У шу келишда қанча юртлар билан тиллашиб, сирлашиб ўз саховатини аямай келяпти. Хўш, сув ўзи нима? У қандай яралган? Бу табиатнинг мўъжизасими? Ёки Оллоҳнинг бизга берган илоҳий неъматими? Миямда ғиж-ғиж бўлган саволларга жавоб топа олмай, момом бизга айтган эртакларини эслайман.

Жуда қадим замонларда кунботар томоннинг гўзал бир мамлакатида вабо касаллиги тарқалибди. Ариқларда сувлар ўрнига йириринглар оқа бошлабди. Дарахтлар, ўсимликлар қуриб, инсонлар, ҳайвонлар бирин-кетин қирила бошлабди. Бундан саросимага тушган подшо саройидаги барча олиму уламоларни, вазирларни йиғиб, шу мавзуни ўртага ташлабди. Шунда улардан бири: "Эй, подшоҳи олам, менда бир таклиф бор, мамлакатимизнинг ғарбида бир Кўҳинур деган тоғ бор. У тоғни дев қўриқлаб ўтиради, агарда ўша девни ўлдириб, тоғни қулатсак, бизнинг дардимизга даво бўлмиш обиҳаёт суви чиқажак", дебди. Шунда подшо жарчини чақириб, кимки Кўҳинур тоғидан сув чиқарса, ўзининг гўзал қизини ва ярим подшолигини беришини айтибди.

Жарчининг овозини чўпон йигит эшитиб қолибди ва шу заҳотиёқ Кўҳинур тоғига девни ўлдиришга отланибди. Девни кўп машаққатлар билан енгибди. Сув чиқариб, халқни вабодан сақлаб қолибди. Мамлакатдаги дов-дарахтларга, ўт-ўланларга жон киириб, улар яна яшил либосга ўранибди. Ариқларда зилол сувлар оқа бошлабди. Боғларда булбуллар хониш қилиб, тоғлар, қир-адирлар қип-қизил лолага бурканибди.

Эртак сўнгида момом сувнинг азизлигини, ариқлар атрофини тоза тутиш, уни исроф қилмаслигимиз, тупурмаслигимиз, биров сув сўраса беришимизни ва бу ишлар савоб бўлишини қайта-қайта таъкидлардилар.

Бувим сўзлаган ўгитлар замирида катта бир ҳақиқат бордек, назаримда. Бизнинг Турон заминимиз қадим-қадимдан маънавият ва маданият ўчоғи бўлиб келган. Буни биз Зардўштийлик динининг китоби "Авесто"да ҳам кўришимиз мумкин. Унда сувни муқаддас тутиб, атрофмуҳитни тоза сақлаш ватанпарварлик ҳисобланган. Сувни, ерни ифлос қилган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкум қилинган. Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн ҳам ободончилик ишларига ўз ҳиссасини қўшган. Буни биз Ну-рота тоғ тизмаларида қурилган кориз харобаларидан сувнинг нақадар азиз бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, Бухоро-Тошкент йўналишидаги Буюк ипак йўли деб саналган йўлнинг чеккасида қурилган, XI асрдан ёдгорлик бўлиб қолган Сардоба фикримизнинг ёрқин далилидир. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод қазиган "Айн-ул-ҳаёт", "Баҳр - ул-нажот" ариқларидан оққан зилол сувнинг инсон ҳаётида азизлигини ўқириб ўтганлар.

"Авесто", ривоятлар, бувимнинг ўгитларидаги мақсад бир-бирига боғлиқдай, менинг назаримда.

Лекин, собиқ иттифоқ даврига келиб анча салбий ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Оролнинг қуриши, экологиянинг бузилиши, ернинг шўрланиши, радиоактив ифлосланиши туфайли ҳар йили тўрт миллион тонна зарарли моддалар атмосферамизга қўшилмоқда. Бизнинг кўз ўнгимизда Орол денгизи денгиз эмас, кўлга айланди. Бунинг сабаби сувдан унумсиз фойдаланиш, буйруқбозлик, қисқа қилиб айтганда, эртани ўйламасликдандир. Натижада бу бутун дунё муаммосига айланди.

Биз шундай қалтис вазиятда ҳам бепарволикни, исрофгарчиликни давом эттирсак, менинг давримда, келажак авлод даврида бутун ер шари яраланган қушга айланиб қолмасмикан?! Ахир ҳаётмамотимиз бўлган сувни қуритиш тўғридан-тўғри ўзини жаллод қўлига топширган билан тенг эмасми?!

Шундай экан, келинглар, ўз денгизимизни асрайлик. Унга ҳар хил заводлардан чиқаётган ахлатларни ташламайлик, токи Орол қуриб, касалликларга дучор бўлмайлик. Биз юртимизнинг ҳар бир қисм тупроғини асрамас эканмиз, юрт фарзанди деган номни ололмаймиз. Она юрт табиатини асраш биз ёш авлоднинг бурчимиздир.

Муаммоларни ҳал этишни фақат қоғоздагина эмас, балки амалда ҳам бажаришимиз шарт ва зарурдир. Буни биз уйимиздаги сув жўмрагини бураб қўйиб, кўча четларида мақсадсиз оқадиган сувларга бефарқ бўлмаслигимиз билан буларни ҳал этишда озгина бўлсада ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Сувни биз азалдан кумушга қиёс этамиз. Мен шу ўринда севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу шеърий мисраларини эслайман:

Булоқ она ер сийнасидан,
Шеър сингари қайнаб оқади.
Сувнинг кумуш ойинасидан,
Меҳрим бўлиб қуёш оқади.
Тўйиб ичдим, сув билан гўё,
Дилга сингди юрт муҳаббати.
Ташналигим қондию аммо,
Яна ортди қалб ҳарорати.

Шу пайт ўйинқароқ дугонамнинг шодон кулгиси хаёлимни бўлди. Хаёлот оламига ғарқ бўлиб, кун алламаҳал бўлганини сезмай қолибман. Сув билан сирлашиб, дардлашиб, ундан кўнгил узолмай дўстларим томон йўл олдим. Йўл-йўлакай дўстларимга қарата хаёлан хитоб қилдим: дўстлар, келинглар, азал-азалдан кумуш ва гавҳарга қиёсланган сувнинг азизлигини унутмайлик! Табиат олдидаги муқаддас бурчимизни ёдда тутайлик!

Гулжаҳон НАМОЗОВА,
Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси, «Мен-Онам-Момом—сувнинг аҳамияти ҳақида» иншолар танлови рағбатлантирувчи ўрин соҳиби

Xullas...

СУВДА ЯШОВЧИЛАР УЧУН

Ер шарида яшаш жонига теккан одамлар ҳам бор. Ҳали қарасанг ер қимирлаш, ҳали қарасанг сув тошқини, автомашина ҳалокатларини-ку айтмаса ҳам бўлади. Бундай офатлардан қутулиш мумкинми?

Она заминдаги турли офатлардан қутулиш учун сув шаҳрини бунёд этиш керак эмиш. Америкадаги "Фридом" компанияси бу шаҳарни бунёд этишга киришмоқчи.

Шаҳар макети Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудидаги Дубай шаҳрида намойиш қилинган кўргазмада турибди. Бу улкан океаннинг сув сиғими 2,7 миллион тоннага тенг бўлиб, яшаш учун барча шароитлар муҳайё этилади. Юқори палубадан бир ярим километр узунликда аэропорт тикланади. Қолган палубаларда 100 минг аҳоли яшаши учун шароит яратилади. 20 минг кишилик меҳмонхона, савдо шаҳобчаси ва бошқа маданий-маиший мажмуалар.

"Фридом" фирмаси сузувчилар шаҳарчасини икки йилдан сўнг фойдаланишга топшириш ниятида эканлигини айтмоқда. Ўшанда сузувчилар шаҳарчасининг бешдан бир қисми тикланади. Қолган-қутган ишлар эса секин-асталик билан бўлаверади.

Кема-шаҳар икки йилдан сўнг ўз яшовчиларини қабул қилиб, янги ҳаёт тарзини бошласа ажаб эмас. У айсберглар бўлмаган жойдаги кенгликда сузади. "Титаник"нинг тақдирини ҳеч ким унутгани йўқ.

МАЙМУНЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШГАН ОДАМ

Маймунларни "йўлга" солиш қобилияти ҳар кимда ҳам топилавермайди. цирк ареналарига уларни олиб чиқишга ва томоша кўрсатишга фақат артистларгина муваффақ бўлишади. Аммо деҳлилик оддий фуқаро Ашок Мишра тўрт оёқли жониворларнинг тилини урганишда ўзига хос тажриба яратиб қўйди.

Мангал, Рак ва Басанти лақабларини олган маймунлар ўз соҳибига шу қадар содиққи, унинг рухсатисиз бирор ишга қўл уришмайди. Кунлик режим қатъий.

Мишра жаноблари уйқудан тургач, ўз "фарзандлари"ни совун ёки шампун кўпигида яхшилаб ювинтиради. Сочиққа артингач, нонушта. Гуруч, кулча нон ва мевалар билан тамадди қилиб олган маймунжонлар "ишга" отланишади.

Дарвоқе, кейинги икки йил мобайнида Деҳлига маймунлар тўдасининг бостириб кириши кузатилди. Мутахассисларнинг кузатишича, шаҳар маркази ва унинг мавзеларида 5-7 мингта маймун бор. Ҳатто улар марказий касалхона атрофида ҳам бемалол айланиб юришибди.

Ҳукумат раҳбарларининг боши қотган. Қандай чора қўлласа бўлади?

Парваришдаги маймунларнинг ақлу фаросатига эса гап йўқ. Улар ўз соҳиблари кўрсатмаси билан мудофаа вазирлигининг топшириғини уддалашди. Армия штаблари ҳудудида ҳозир бўлган маймунларни зудлик билан олиб чиқиб кетишди.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ТЎЙГА ТУҲФА

ЖЧ-2002 иккинчи босқич саралаш учрашувларида иштирок этаётган Ўзбекистон футбол терма жамоаси иккинчи учрашувни ўз майдонида муваффақиятли ўтказди. Қатар термасига қарши ўтказилган ўйин ҳамюртларимиз ғалабаси — 2:1 ҳисоби билан якунланиб, ушбу натижа энг улуғ байрамимизга туҳфа бўлди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

"Каттақўрғон ёғ-мой" корхонаси ҳомийлигида ўзбек кураши фидойиси Дўстмуҳаммад Эшбеков хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Унда 63,73,90 ва мутлақ вазн тоифаларида курашчилар гиламга тушди. 50 нафар полвонлар орасидан энг саралари, ғолиблари ҳомийлар томонидан муносиб тақдирландилар.

МАЙДОНДА МАРАДОНА

Диего Марадонанинг ҳали ўзи учрашмаган ўғли кичик Марадона Италия ёшлар терма жамоасига чақирилди. 15 ёшли ўйинчининг онаси Кристина ўғлини ўз отасининг ёмон таъсиридан сақлаб қола олганидан хурсанд.

Аргентина футболини чин дилдан севадиган кичик Марадона 5 йил ичида дунёни "янги юлдуз" билан таништириш орзусида.

РИГАДАН СОВРИН БИЛАН

Рига шаҳрида ўтказилган стол тенниси бўйича халқаро мусобақада вакилларимиз Севара ва Мадиналар биринчи ўринни эгалладилар. Энди Севара Ашхободга Марказий Осиё ўйинларида иштирок этиш учун йўл олади. Мадина эса, ўсмирлар ўртасида бўладиган Хитой беллашувларига боради.

ТАТАМИДА ЁШЛАР

Избоскан туманида кик-боксинг бўйича туман ҳокимлиги соврини учун ёшлар ва ўсмирлар ўртасида водий биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. 427 нафар спортчи 50 вазн тоифасида ўтказган беллашувлари 3 кун давом этди. Натижада избосканликлар биринчи, Андижон шаҳри иккинчи ва Наманган вакиллари учинчи ўринларни банд этди.

Муҳтарама Мавлуда НИШОНОВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан самимий табриклаймиз. Баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз. Ижод гулшанингиз, қалбингиз бўстони ҳамиша гўзаллашаверсин.

Бир гуруҳ шогирдларингиз.



Ҳурматли Нурулла АБДИЕВ!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан қутлар эканмиз, шарафли кечган умрингиз узоқ бўлишини тилаб қоламиз.

Чорак аср жамоамиз раҳбари сифатида барчамизни бир мақсад йўлида бирлаштириб амалга оширган ишларингиз биз учун ибрат бўлиб қолади.

Ғузор туманидаги Фурқат номли 30-ўрта мактаб жамоаси.

Барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз ҳамда бошланаётган янги 2001-2002 ўқув йилида мамлакатимиз таълим тизимининг барча ходимларига олижаноб меҳнати ва тиним билмас куч-қуввати билан озод юртимиз равнақи йўлида хизмат қилишини тилаб қоламиз! Ҳар бирингизнинг хонадонингизга шодлик ва иқбол ёр бўлсин!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Учқўрғон туман халқ таълими бўлими қошида "Фан" илмий-услубий маркази ташкил этилди. Мазкур марказ қўйидан чиққан ташаббус асосида ташкил этилган бўлиб, ўз олдига умумтаълим мактабларида аниқ фанларни ўқитиш услубларини такомиллаштириш ва янги услубларни ишлаб чиқиш вазифасини мақсад қилиб қўйган. Марказга 10 нафар ижодкор ўқитувчилар бирлаштирилган бўлиб, айни пайтда улар 15 дан ортиқ муаммоли масалалар ечими устида бош қотиришмоқда.

Фақат мустақиллигимиз туфайлигина ана шундай эркин ва ижодий ишлаш имкониятига эга бўлдик. Марказ жамоаси ёш авлод таълим-тарбиясидаги оталарча ғамхўрликлари ва инсонпарвар сиёсатлари учун Юртбошимиз И.Каримовга ва амалий ёрдамлари учун туман ҳокими, Олий Кенгаш депутати Б.Охуновга ҳамда вилоят, туман халқ таълими бошқаруви раҳбарларига самимий миннатдорчилик билдиради.

Г.ВАЛИЖОНОВ,
Учқўрғон тумани илмий-услубий марказ ташаббускори

МАДАДКОР ХАЛҚИНГ БОР, БОЛАЖОН!

Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўйи муносабати билан 24, 25, 27 август кунлари А.Навоий номли Миллий боғда пойтахтимиздаги 2001 йилда мактабни тамомлаган 58 нафар меҳрибонлик уйи битирувчи-тарбияланувчиларини рағбатлантириш мақсадида « Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ҳамда «Уй-жой жамғарма банки» томонидан ҳар бир битирувчи номига хайрия акцияларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Турли хил ширинликлар, ноз-неъматлар, юртимизда етиштирилган ҳар хил мевалар ва халқимизнинг энг севимли таомлари билан безатилган тўкин дастурхон улар учун ёзилди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси раиси муовини М.Усмонхўжаев, Тошкент шаҳар ХТБ бошқармаси бошлиғи муовини А.Собировлар иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ўзининг кириш сўзи билан очиб, йигит-қизларни яқинлашиб келаётган улуғ ва муқаддас байрам билан табриклаб, уларга порлоқ келажак ва нурли йўл тилади. Шундан сўнг битирувчиларга хайрия акцияларини топшириб, уларга ҳамиша қўллаб-қувватлагувчи меҳри дарё, бағри кенг халқи, ҳеч қачон ўз ёрдамини аямайдиган юрти, она-Ватани борлигини таъкидлади.

Мурғак қалблари билан вужудни ўртаб юборувчи армон, ўкинч нималигини ҳис этиб турган ўсмирлар ташаббускорларга Юртбошимизнинг кўрсатаётган ғамхўрликларию меҳрибонликлари учун улар ҳам ўзларининг улкан хизматлари ила жавоб қайтаражакларини айтдилар ва чексиз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Тадбир сўнгида битирувчи тарбияланувчилар бирма-бир ўзларининг ота-она, Ватан ва мустақиллик ҳақидаги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этдилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, касаба уюшмаси қўмитаси, институт ректори Э. Сатторовга укаси **Ҳусанбой САТТОРОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Глиэр номидаги РЎММ интернати жамоаси шу мактабнинг фортепиано бўлими ўқитувчиси Г.Хасановага онаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор **Шаҳодат ҲАСАНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди
Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Дилбар ХЎЖАЕВА,
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2717. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.